

Муҳаммад ФАФФОР

# СУКУНАТ СОҲИЛИ

*Шеърлар*



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2005

84 (5y)6

F 29

Фаффор, Муҳаммад.

F29 Суқунат соҳили: Шеърлар/ Муҳаммад Faffor. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.-1206

Муҳаммад Faffor шеърлари ҳеч кимнинг шеърларига ўхшамайди. Бўғзинга тиқилган ҳайқириқ сингари шеъриятнинг азалий ўлчовларидан сакраб чиқмоқчига ўхшайди. Шоирнинг кўксини ёриб чиқаётгандек туйилади. Ўқувчини ортидан етаклаб чопади мисралар...

ББК 84 (5y)6

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.

*Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳим!*

*Қизимга мактуб*

*Салом асалим!*

*Ўлаётган одамгина мактуб ёзади. Бирдан бу сўз хаёлимга қандай ва қаердан келганини сезмай қолдим. Ҳеч эътибор берганмисан, бомдоддан кейин тонг роса тўлишади, ўз фарзандларидан баҳтиёр аёлга ўхшаб.*

*Онанг бизга нонушта тайёрлаётганда шундай ҳолатда бўларди. Ҳар қандай инжиқликларни кўтарған аёл тонгдан-да гўзалдир. Мен сени онангга ўхшашингни жуда-жуда хоҳлайман. Наҳотки шу сўзларни айтиши учун қўлимга қалам олган бўлсам. Миямга бошқа фикр келмаяпти. Тўлишган тонг ҳар қандай буюкликни тўсиб қўяди.*

*Хайр, омон бўл, сени соғинч ила ўпиб қолувчи отанг.*



## ВАХДАНИЁТ ДАРЁСИ

Наҳотки топганим туманли тўрва,  
Кунларни аямай йиртиб ташлайман.  
Ичганим ош эмас гумонли шўрва,  
Ўзимга шафқатсиз ҳужум бошлайман.

Ўтган кунларимни санчаман тиққа,  
Садоқат базмининг саҳовати хор.  
Қонталаш умримни иламан михга,  
Нимадир етмайди, мен нимага зор.

Чарчадим, чидадим, изладим ҳақни,  
Йиртилдим, таландим, фижимландим мен.  
Мангулик рангини чизган бўёқни,  
Ожиз ҳисларимга йўлатмади тун.

Сўзладим, сўзларим ботди кўзимга,  
Қовурғамни қирқди ўтмиш бўйраси.  
Кумурсқалар қавоғига суртди изимга,  
Аямай оқизай Ваҳданиёт дарёси.

*1994 йил, март*



\* \* \*

Шеър ўқиб берардим Эркин Воҳиддан,  
Тоғдек қўксим узра қўярдинг бошинг.  
Титраб қақшар эдинг ўтли байтдан,  
У кун ўтли эди, сенинг қарашинг.

Бугун муҳаббатинг мартаба талаб,  
Тилла зираклардан узмайсан кўзинг.  
Менчи, Рауф Парфи шеърин қўлтиқлаб,  
Қаён кетмоқдаман билмайман ўзим.

*1973 йил, март*



\* \* \*

Сокинлик силкинар,  
Аянчлар авайлар азобни.  
Чавандоз чиранарап, умид зирқирап,  
Узангига боғлар газабни.  
Кўпкари

Садоқат сиқилар  
Чолларнинг соқоли титрап,  
Уялар узанги.  
Кўзи кўр оламон қутурап.  
Кўпкари.

Мияга михланар  
Бунчалар бахтсиз бўлмаса қизи,  
Чавандоз йиқилар, суқланар,  
Қиличга айланар  
Қайнотанинг кўзи.  
Кўпкари.

*1985 йил, октябр*



\* \* \*

Уфқнинг нарёғида мен севган гўзал,  
Ҳар куни келинчак либосин кияр.  
Кутади, кутади, кутаверади,  
Софинчлар кўксини тимдалаб ўяр.

Уфқнинг нарёғида мен севган гўзал,  
Хаёллар, орзулар, минмаган отим.  
Кутади, кутади, кутаверади,  
Турналар, турналар, етмаган хатим.

*1986 йил, апрел*



\* \* \*

Ҳеч нима демадим сенга,  
Осилдик шаклнинг паймонасига.  
Кўзларимни ортдим,  
Сўзларни, юракнинг ойномасига.

Куннинг азобидан жунжикар қүёш,  
Уфққа сув сепар адашган хаёл.  
Фунчанинг лабини тарк этди кўз ёш,  
Мен сени соғиндим санчилган аёл.

Ситилган ситамни азобга сотдим,  
Титкилар озорнинг соғинчини кун.  
Ўзимга сифиндим, ўзимга ботдим,  
Дарчамга тирмазиб ёлворади тун.

Азоб ўпқонида касартки кўрдим,  
Ханжарнинг тифидан ҳаром қон оқар.  
Сокинлик сепидан сесканиб турдим,  
Аждаҳо оғзида гумоним боқар.

Ўтмишдан мақтаниб дўстим семирар,  
Чиранган чидамнинг хонадонида.  
Хотира азобни қониб кемирар,  
Асрнинг қопқора жамодонида.



\* \* \*

## Жарлик

Күзларимни узатаман тубсизликка:  
Хеч нима деёлмас  
Тилсиз тошлар.  
Осиш учун  
Яхши жой экан деб,  
Үйлай бошлайман ўзимдан ўзим.  
Форнинг бошида,  
Хотиним сингари  
Қаҳ-қаҳа уради узум.

*1985 йил, май*



## 1

Оллоҳим билмадим жойим қаерда,  
Ханжарнинг тифида ўйнайди ғазаб.  
Юлдузим қаерда, ойим қаерда,  
Ичганим шаробмас, ичганим азоб.

Мен ёндим, тутадим, портладим, куйдим,  
Фикримга санчилар илоҳий сўзлар.  
Доҳолар дастидан мен роса тўйдим,  
Йўлимда мўлтирас беҳаё қизлар.

Ватан тушунчаси оғирлик қиласи,  
Шоирлигим бир пул ўзимга.  
Сотқинлик, ҳасадлар кўксимни тиласи,  
Хиёнат қадалган менинг кўзимга.

Ватан тушунчаси оғирлик қиласи.



## 2

Синиққан ҳавонинг зардobi тахир,  
Дараҳтлар мунгайган, сўзлар мунгайган.  
Муҳаббат бечора, муҳаббат фақир,  
Наҳотки хиёнат шунча улгайган.

Сўзлар бор дунёда сўзлардан буюк,  
Мен қачон йигладим, мен қачон кулдим.  
Кўзлар бор дунёда кўзлардан суюк,  
Мен фақат туғилдим, мен фақат ўлдим.

Олтин ранг хазонда қузакнинг диidi,  
Фикримни менсимас қурмағур хаёл.  
Димоққа қадалар сўзларнинг ҳиди,  
Муҳаббат, туйғуга чўмилган аёл.

Муҳаббат, туйғуга чўмилган аёл...

*1989 йил, август*



\* \* \*

Буюклар йигламай қўйган кунлари,  
Мен қаттиқ йигладим ўкиниб.  
Суюклар йигламай қўйган кунлари,  
Мен қаттиқ йигладим тўкилиб.

Кун келиб буюклар йиглайди, дединг,  
Ҳатточи суюклар йиглайди, ўғлим.  
Буюклар, суюклар йиглаган куни,  
Мен қулиб юбормай тангрим?!

\* \* \*

Мен қаттиқ соғиндим йиқилган жойим,  
Кўксимда чирсиллаб синдику юрак.  
Биринчи севганим қизгалдоқ ойим,  
Ойни ўполмаган армоним терак.

*1987 йил, июн*



\* \* \*

Түрк таянчи —  
Севинч иймангандай бўлар кўзимда,  
Сипқордим самимият аянчларини.  
Чаён чиранади изимда,  
Кўрқоқлик йўқотар таянчларини.

Түрк аянчи —  
Осмон гумбирлайди тахт йиртилар,  
Кулбалар қисмати ялворар аччиқ.  
Қовоғига қуюн суртилар,  
Ботирлар ҳовучлаб эқади тариқ.

Суйинчи —  
Истироб измида изнисиз нолам,  
Шафтоли шивирлар қулоқларига.  
Сени қизғалдоққа уйлаймиз болам,  
Баҳор мақтанади булоқларига.

*1979 йил, март*



\* \* \*

Болалик —

Учар эдик дарахтма-дарахт.

Бир куни дуч келиб қолди,

Лайлак уяси

Тухуми товуқникига ўшшар экан.

Икром опа пишириб берди,

Роса түйиб едик.

Бугун...

Бошқа дўстларимни билмайман лекин,

Менинг ичимда, бир лайлак

Жигаримни чўқийди,

Юрагимни чўқийди.

— Мен товуқ эмасман ахир

Қанотларим бор менинг,

Эркин, эркин учмоқ истайман.

*1982 йил, январ*



\* \* \*

Армонларим қиммат туради,  
Товонимни силар майсалар.  
Орзуларим буни билади,  
Хотинимдай пайсаллар.

Суякларим сипқарган ўтмиш,  
Тунда олов бўлиб ёнади.  
Кундуз куни тўшалган олқиши,  
Қоним ичиб тонади.

*1980 йил, октябр*



\* \* \*

О, менинг қисматим —  
Санчилган ханжарнинг дастаси  
Киприкка илинган севги,  
Йиқилган юракнинг ҳассаси.

О, менинг қисматим —  
Софинч селлари түгённи ўпар.  
Баҳорнинг тигига санчилган юрак,  
Юлдузларга юзин чайган нилуфар.

О, менинг қисматим —  
Утирик ёлғон кунларим.  
Ойнинг тиззасига бош қўйиб,  
Совуқлар силаган тунларим.

О, менинг армоним —  
Бирпасгина  
Жим тур!

*1987 йил, июл*



\* \* \*

Шовуллар —  
Үзини осмоққа шайланар фикр.  
Түнкарилган тешик тогора туҳмат.  
Чучмомалар чимрилиб ўқыйди зикр  
Тишларим орасидан тўкилар раҳмат.

Увиллар —  
Дашти қипчоқ чўли ироқ.  
Осмонни кўзларимга ёзар,  
Йифламоқ истайман бироқ.  
Кўзлармда осмон бор.

*1989 йил, декабр*



\* \* \*

1

Үтмас пичноқ билан кесар бошимни  
Оппоқ қор устига сачрайди қоним  
Тоқатимни титар, титар бардошимни  
Менинг бўйсунмаган, кўнмаган жоним

Умидим юмалаб қушга айланган.  
Совуқ ёпишади товоналаримга,  
Армоним бир дунё тушга айланган.  
Нимадир етишмас жавонларимга.

Сесканиб ўйгонар умидли азоб  
Бармоқлар югурап қўмитаси мушт  
Мени чанггаллайди ожиз истироб,  
Оёғимда занжир, излари бўм-бўш.

2

Девлар қаҳ-қаҳаси оламни тутар,  
Бетон деворларга санчилар товуш.  
Турткилаб ўйғотар миршаблар кутар,  
Бу ер турмалигин билмайди ковуш.

*1983 йил, ноябр*



\* \* \*

Йиғладим бўзладим сўзни изладим,  
Ҳеч ким босолмаган изни изладим,  
Мен сизни йўқотган кузни изладим,  
Силкиниб, силкиниб ўксинар дилим.

Нима бўлса бўлди, ўзимдан ўтди,  
Сизни рашк айлаган қўзимдан ўтди,  
Баҳор ярашсин деб бизларни кутди,  
Энди сизга қўлим етмайди гулим.

Ҳар куни пойлайди тақдирнинг ўқи,  
Энди сўзларим ҳам армонли гулум,  
Майли шеърлар ёзай хотира тўқий,  
Шундек оstonамда, турибди ўлим.

*1985 йил, апрел*



## ***8-марти***

Отам камбағал  
Онам касалманд  
Пуллари йўқ эди уларнинг  
Сен ниҳоятда гўзал эдинг

Ховлимиизда —  
Оппоқ бўлиб гуллаган  
Ўрикнинг шохини синдиридим  
— Байраминг билан

Раиснинг ўғли қаҳ-қаҳа урди  
Бозорқўмнинг ўғли қаҳ-қаҳа урди  
Синифдошларинг қаҳ-қаҳа урди  
Қаҳ-қаҳа урдинг сен.

Бугун — оллоҳга шукр  
Пулим ҳам бор  
Мансабим ҳам бор,  
Ҳаётимни тиндиридим

Фақатгина —  
Бир дард ўрттар юракларимни  
Нега мен ўшанда —  
Ўрикнинг шохини синдиридим



\* \* \*

Онанг ўлса ҳам  
Отанг ўлса ҳам  
Йиглаёлмайсан  
Кўзларингда —  
Пулнинг расми бор.

\* \* \*

Бўрилар итлардан жирканиб яшар,  
Авлодига иснод келтирганлар, деб.  
Итлар бўриларга ҳайрати ошар,  
Токайгача шундай яшайсизлар, деб.

Итлар ҳалол меҳнат қиласа ҳам агар,  
Бўрилар бўлса ҳамки очкўз, ўгри  
Одил ҳукм чиқармоқ истасангиз гар,  
Бўриларнинг гапи мутлақо тўғри.

*1986 йил, феврал*



## ***Зил-зила***

Бебурд арбобнинг  
Юзига тупиришдан қўрқиб  
Разил қаллобнинг  
Кўзига тупиришдан қўрқиб  
Ерга тупирамиз  
Ерга тупирамиз  
Она ерга —  
Тупирамиз

\* \* \*

Нафс балоси деб, мен ҳам ютиндим.  
Дўстим йўқ дедиму дўст ҳам тутиндим.  
Сўнги қунларимда қаттиқ ўкиндим.  
Ўзимдан ўзимни асрагин оллоҳ.

Найлай адo бўлдим, тугадим буткул.  
Япроқ юпинчидан изладим паноҳ.  
Суқунат соҳили сен мени кутгил.  
Кўзимдан кўзимни асрагин оллоҳ.

*1975 йил, декабр*



\* \* \*

Саловат—  
Тун қочиб борар  
Ёғдулар тўкилар  
Дараҳтларнинг пойига  
Тун—  
Яшринмоқчи бўлар  
Шайтанатнинг сойига  
Саловат—  
Самони силкитар  
Кушларнинг қироатини  
Япроқлар қизғанаар мендан.

\* \* \*

Сен буюк шоир сан  
Кўзларинг айтар  
Фақат сен қўрқасан  
Оппоқ қофоздан  
Отангни ўлдирган  
Онангни сўлдирган  
Рангидা қони йўқ  
Оппоқ қофоздан.



## СОТҚИН

У сенинг шеърларингнинг ҳаммасини ўқиб чиққан.  
Энг кучли адабиётшуносчалик таҳлил қилаолади.  
Кўнглингга ботмайдиган тарзда

танқидни ҳам жойига қўяди

Кунлардан бир куни сени полициячилар  
Кўлингни боғлаб турмага олиб кетишади.

Тош, совуқ камерада ўтириб у ҳақда  
      йўлай бошлайсан

Унга сўнгги — юрагингдаги дардингни  
Айтолмай қолганингдан азият чекасан.

Хукм ўқилади  
Энг олий жазо...

Дор тагига бораётганингда  
      яна у ҳақда уйлайсан

Шундай дўстинг борлиги  
      кўнглинга таскин беради.

Ўлимга қаддингни тик  
      кўтариб боқасан.

*1990 йил, сентябр*



## Үстоз

*Үрол Шодиевга*

Пратон, электрон, атом, ядро,  
Қил устида турибди олам.  
Физика дарсига қўймайман сени,  
Инсонни севишни билмасанг болам.

\*\*\*

Неъмат бобо келарди  
Эшаги билан  
Қишлоқнинг  
Қоқ ўртасин ёриб

Ошномнинг  
Болалари дерди,  
Ошномнинг –  
Набираси дерди,

Неъмат бобо  
Бугун йўқ.  
Ёрилиб ётибди,  
Қишлоқнинг қоқ  
ўртаси.

*2004 йил, декабр*



## *Tүн*

Сен қирқиб ташлаган сочлар  
Күзларимга қадалар  
Чинқириб юборар күзларим  
Чироқни ёқаман —  
Сен қирқиб ташлаган сочлар  
Деразамда ялворар.

\* \* \*

Бир куни  
Кетаман —  
Йифлайсан суратга босиб юзингни  
Яшайсан журъатга осиб ўзингни

Бир куни  
Кетаман —  
Бўғзинга тиқилар забонлар  
Кўзингни йиртади хазонлар

Бир куни  
Кетаман —  
Боришга уялар оёфинг.  
Ёрдам беролмайди упа-бўёфинг.

Бир куни  
Кетаман...



## *Синглим София хотирасига*

Турибман тун билан юзма-юз  
Зулматлар қаридан келар бир овоз,  
Ака сиз онамни адо қилдингиз

Турибман тун билан юзма-юз  
Зулматлар қаридан келар шу овоз  
Ака сиз отамни адо қилдингиз.

Тун —  
Қачон ҳужум қилишни  
Билади.

*1984 йил, октябр*



\* \* \*

1

Йиртилган умримга суртдим севгини  
Туннинг дарчасидан термулди гуноҳ  
Серрайган самога сепдим кулгуни  
Йўқсизлик изини тимдалар паноҳ

Ханжарнинг тифига қадалган иймон  
Гунглиқ суратидан мангулик чизар  
Жарнинг ёқасига тирмашган паймон  
Нилуфар шаклида мунглиқни безар

2

Саснинг садолари уфққа қўнган  
Чирмовиқ чиранар азобни арчиб  
Кўнгил денгизидан марварид унган  
Руҳимда эътиқод гуллайди урчиб.

Суқунат судирап салтанатини  
Туннинг соchlарига уланган хаёл  
Топширмоқ истайди омонатини  
Ишқнинг кўзгусини синдирган аёл.

Ҳай-ҳот сен сифмадинг паноҳларимга  
Паёнсиз кенглиknинг якtagи йиртиқ  
Авайлаб ўрайман гуноҳларимни  
Бошқа нарсам йўқ.



\* \* \*

Бир куни —  
Хўжаев муаллим  
— Мен ўлсам йиглайсизларми  
Болаларим? — деди.  
Синф бир қалқиб тушди  
Ўша кун  
Ҳеч ким кулолмади, яйраб  
Ўша тун  
Ухлайолмай чиқдим  
Хўжаев муаллим ўлиб қолса  
Ким икки қўяди  
Райкомнинг ўғлига  
Раиснинг ўғлига.  
Кеча тушларимга  
Раҳматли  
Хўжаев муаллим кирибди...

*1983 йил, сентябр*



\* \* \*

Күрганим билганим шовқин суронлар  
Фақат мақтанганлар, қасам ичганлар  
Мени титкилайди улкан бўронлар  
Метин иродамни тирнар сичқонлар.

Мен нима йўқотдим нимани топдим  
Адашдим армоннинг андозасида  
Бўшлиқقا интилдим йўқликдан топдим  
Суяндим тафаккур дарвозасига.

*1999 йил, январ*



\* \* \*

Дўппимни осмонга отаман  
Айтинг, қани менинг дўппим  
Ўтган кетган илиб кетдими?  
Энди мен масжидга қандай бораман  
Энди мен –  
Эҳтиёт қиласман жойномозимни.

\* \* \*

Софинчим туннинг қўйнига кирди  
Ойнинг хўрсимиши йиртди самони  
Шайтон пичоғини қўксимга урди  
Тепамдан тўкилди гунгнинг гумони.

Юлдузлар мўлтирас бечора, фақир  
Дараҳтлар ғужғанак гарив қунишган  
Нечун санчилмайин ўзимга ахир  
Осмоннинг сийнаси чексиз тўлишган.

Фақат увиллайди ёлонгоч нидо  
Ўйлайман ўзимни ўзимга босиб  
Кечира олармикан бизларни худо.

*1991 йил, октябр*



\* \* \*

Кунларим йўқолган тунларим қани  
Қаҳвахона деворига босаман юзим  
Аёлнинг кўзлари имлайди мени  
Ушлаб кўраман бу менинг ўзим

Сипқарив ташлайман олдимдан майни  
Кўзларим шоввуллаб оқади унга  
Хаёлим севинчдан ўпади ойни  
Дўстларим хасадли боқади менга.

Ижрокўм уйингни бошинга ургил  
Мен учун ечилди мукаммал тугун  
Эртанги кунимга худо пошшодур  
Аёлнинг қучогида ухлайман бугун

*1976 йил, август*



\* \* \*

1

Кўнглим тубида —  
Харсанг тош ётибди  
Сен унга ўтириб  
Ҳар куни тикиласан  
Бевафонинг  
Суратига

2

Шукур дейман  
ўзимга-ўзим  
Сен борсанку ахир  
Сени —  
Йўқотиб қўйишдан  
кўрқаман жуда.

3

Харсанг  
Эса  
Бемалол  
Мудрар.

*1976 йил, август*



\* \* \*

Гала-гала оппоқ булутлар  
Қайларгадир учиб кетмоқда  
Не излайман менчи, дарбадар  
Наҳот умрим бекор ўтмоқда

Ярим кеча тунлар бемаҳал  
Тор кулбамда ўчмайди чироқ  
Деразамдан мўралар ажал  
Бўла қолгин қани тезроқ.

Оқшом юлар қора сочини  
Бешафқатсан бунчалар ҳаёт  
Кимдир эгиб тураг бошини  
Бу хўрланган ожиз муҳаббат.

Қайлардандир чиқиб келар ой  
Кимлар билан бўлган беҳаё  
Ҳеч нарсани кўрмагандай сой  
Ҳеч нарсани билмайди дунё.

Гала-гала оппоқ булутлар  
Қайларгадир учиб кетмоқда.

1988 йил, апрел



\* \* \*

Үкинч юпанчимдир чўнтағим бўм-бўш  
Шерик бўлолмадим қаллоб ошига  
Мени уйготади қайгули бир туш  
Яна боролмадим отам бошига

Қизгалдоқ қон бўлиб ичига ютар  
Чумоли суянар қабр тошига  
Софиниб изларим майсалар кутар  
Яна боролмадим онам бошига.

Хасадимни қўзғар учайдиган қуш  
Митти вужудимга чирмашар карахт  
Поездга қарайман чўнтағим бўм-бўш  
Холимга йиғлагиси келади дарахт.

*1987 йил, май*



\* \* \*

Бу дунё тирнокдан сочгача гуноҳ  
Қорни тўқ одамдан очгача гуноҳ  
Бандаси бунчалар, бунчалар гумроҳ  
Оллоҳим ўлишга мадад бер менга.

Мансабни, шоҳликни зорларга бергин  
Қорни тўқ, усти бут хорларга бергин  
Эрта йўқ, бугуни борларга бергин  
Оллоҳим ўлишга мадад бер менга.

Кимлардир гуноҳи мачитлар безар  
Сарғайган қузакнинг мунглари эзар  
Юлдузлар яқинидир юрагим сезар  
Оллоҳим ўлишга мадад бер менга.

*1992 йил, апрел*



\* \* \*

Мозий чўнтагини қоқар  
Шуҳратлар сочилар, хўрликлар  
Юлдузлар хазонларга боқар  
Оғирлик қилган шўрликлар.

Менинг чўнтағим тап-тақир  
Гумроҳ бандангман бир осий  
Нималар истайман мен ахир  
Чўнтағимга сифмайди мозий

*1987 йил, ноябр*



\* \* \*

Қандай даҳшат —  
Қиёмат бўғзингда турса-ю  
Ҳазонларга раҳминг келмаса сенинг  
Қандай даҳшат —  
Йифлагинг келсаю йифлайолмасанг  
Кувончлар афтинга уй қуриб олса  
Қандай даҳшат —  
Менинг чўнтағимда ухлар  
Фожиа-

\* \* \*

Хўрланган кунларим  
Содиқ қўлларим  
Сотишга шайланар  
Кувонч кунларим.

*1981 йил, феврал*



\* \* \*

Фафлат чўнтағидан қўйилган дунё  
Қисмат деб пешонаси ўйилган дунё  
Чумчуқдай чирқиллаб сўйилган дунё  
Нархинг шунчалар арzonми сенинг

Баъзида аламдан хунлар бўламан  
Тун билан олишиб тунлар бўламан  
Кун билан олишиб кунлар бўламан  
Нархинг шунчалар қимматми сенинг

*1993 йил, декабр*



\* \* \*

Жонимдан ортиқроқ севдимку құмрим  
Чиғириқ чархида чархландым, күйдім  
Сесканиб яшаган эй, мискин умрим  
Әнди мен сенга ҳам ачинмай қўйдим

Руҳимни титкилар муққаддас сана  
Хўрликлар санчийди сифмас қўйнимга  
Занглаган қилични артаман яна  
Дунё дардларини тўкар йўлимга.

Азобни авайлаб теради қўзим  
Улкан галаёнга чорлайди мени  
Дорнинг оғочига сихланган тузим.

\* \* \*

Узоқ яшамадинг фамларни ютуб  
Симириб семирдинг садоқатларни.  
Келмас бўлиб кетган одамни кутиб  
Таҳмонга таҳладинг тул тоқатларни

Сен узоқ Яшамадинг дили поргина  
Анграйганча қотиб турагар дарвоза.  
Мунисгина синглим нилуфаргинам  
Баҳор, баҳор эмас сендан андоза.



\* \* \*

Совуқлар овунчим  
Шамол овунчим  
Мозий тирнар ярамни  
Бор бўлсанг жавоб бер ё, Раб  
Қутирган итлар талар танамни  
Сенга сўзлар айтмоқ —  
Чаккиллаб томаётган меҳроб  
Оғзим тўла севги  
Бўғзимга қалқийди fazab  
Сенга сўзлар айтмоқ —  
азоб  
азоб  
азоб...

*1979 йил, август*



## ***Шайбонийхон***

Динини, элини сотганларни  
Қиличдан ўтгазганим рост  
Онасин, опасин сотганларни  
Қиличдан ўтказганим рост  
Авлод аждодларимга  
Шу мендан мерос.

Йўқолиб кетмагай диёнат изи  
Беайб парвардигорнинг ўзи.  
Йўриғимга юради  
От каби қалам  
Пиримиз қул деганлар  
Ҳаромда ортирган болам.

*1990 йил, август*



## **Чүлпон**

Эҳтиёт бўлинг  
481-чига<sup>1</sup>  
Юлдуз чиққанда  
Туйникни ёпиб қўйинг  
Чунки у  
сирлашиш мумкин.  
Юлдуз билан.

*1981 йил, сентябр*

---

<sup>1</sup> Чүлпон қамоқда 481-камерада ўтқурган.



## Рафиқамга

Киприкларинг асрасин  
Иффат олиб юзингдан  
Юлдузларнинг рашки бор  
Сенинг жоду кўзингда.

Тун азоби етади  
Тан бераман қучига  
Сочларингни йифиб ол  
Оппоқ қасир ичига.

Паризодим дил бандим  
Жойнамозга юзинг бос  
Мени севиш шарт эмас  
Сен Оллоҳни севсанг бас.

*1999 йил, феврал*



\* \* \*

Пахтада —  
Үқитувчилар  
Бўлак овқат қиласарди  
Кимнингдир —  
Шу қозондан егиси келарди.  
Текширишди.  
Мумкин эмас экан  
Бизларга қўшилди,  
Иштаҳа бўғилди.

*1979 йил. декабр*



## **Дўстим қабри устида ёзилган шеър**

Ёдингдами дўстим —  
Битта шеър ёзиб бергин деб  
Ялинардинг доим  
Ёлворардинг доим

Шундай шеър ёзиб берингки дердинг.  
Ўқиб кўздан ёшлар тизилиб кетсин.  
Ўқиб тош бағирлар эзилиб кетсин.  
Мен аҳмоқ, дердим

Шеър ёзиш эмасдир ўйин  
Мавриди келар бир кун  
Оҳ наҳот  
Ўша кун  
Бугун.

*1981 йил, март*



\* \* \*

Фикримга санчилар мих  
Сўзлар армонимга жавдираб боқар  
Армоним жилмаяди маюс  
Эри ўлиб қолган аёл сингари

Ҳиссиёт пойимда тўқилиб ётар  
Кузакнинг армони, баҳор сарвари  
Дардлар юрагимга ин қуриб олган  
Ижарасиз талабалар сингари.

Мен сени —  
Жонимдан ортиқроқ севдим  
Шул сабаб йўқотиб қўйдим

*1983 йил, март*



\* \* \*

Деразам олдида турган мусича  
Күзлари жовдираб боқади менга,  
Балки мен күзларим жовдираб  
Боқарман унга

Дераза олдидаги — мусича  
Севинчим иллатим  
Деразам олдидаги — мусича  
Миллатим.

*1983 йил, март*



\* \* \*

Қишлоқни тирнар итларнинг ҳуриши  
Бойчечаклар сесканиб кетар.  
Қийин бўлди кўйлагимнинг қуриши  
Тоқатим сабрнинг тоқатин йиртар.

Авайлаб найзасин санчади тонг  
Бўйин боғим ёрдамга келар.  
Хайрият тугади даҳшатли жанг  
Хўмрайган тун қаршимда ўлар.

Мачитлар жилмаяр сўнги қанотим  
Суюб интиlamан бомдод интизор.  
Умидим, суянчим ёлғиз оллоҳим  
Үйим йўқ, жойим йўқ, жойнамозим бор.

*1988 йил, март*



\* \* \*

Түгён азобида чулғанған умид  
Даштнинг даҳанида ингранған түйғу  
Метин иродага тұғралғын собут  
Товоним қунжига туғилған ёғы  
Дўстларим.

Бойроққа осилған яловни йиртған  
Умид дарчасидан отилған найза  
Чидами етмасдан оловни ютған  
Хасаддан қовжураб тугаган Ҳамза  
Душманларим.

Чархнинг газабида умрим қайраган  
Тонгда жунжиктириб қуёшга отган.  
Бир тутам жасадға сифмай сайраган  
Бир тұғрам нон учун ўзини сотған  
Шеърларим.

*1981 йил, август*



\* \* \*

Менинг жоназамда дарахтлар йиглар  
Узатиб кесилган оёқларини  
Дарвишлар, гадолар, фидолар йиглар  
Тобутга суяшиб таёқларини.

Менинг мозоримда йиглайды қушлар  
Ёнаман муҳаббат ўчоқларида.  
Сени ўйғотади қўрқинчли тушлар  
Ўшанинг, ўшанинг қучоқларида.

\* \* \*

Гўзаллик севгимга оғирлик қилди,  
Кўксимга хиёнат қадалган қуни.  
Бўғзимга осмонлар қараб тиқилди,  
Эртакка айланди армоним туни.

*1989 йил, апрел*



\* \* \*

Күзларинг сўзлайди шовқинлар аро  
Оҳ sizни севардим, қандай севардим.  
Кўзларим сўзлайди шовқинлар аро  
Оҳ sizни севардим, қандай севардим.

Шовқинлар уялиб кетади биздан,  
Ўғлингни ўпасан енгиб карахтни.  
Мен эса асрагим келади кўздан,  
Бизни тушинмоқчи бўлган дарахтни.

*1985 йил, май*



## Автобиография

Аждарнинг ёлида даҳшат кўрамиз  
Ўзимни ортиқроқ севдимку жуда.  
Шуҳратлар силкитди мени тинимсиз  
Муруватт айлагил, кечиргил Худо

Бандасин бисотин — камтарлик юки,  
Мен баланд чўққига интилдим фақат.  
Кўзгуга кўринмас иймоннинг юки.  
Орқамга қарайман тубсизлик даҳшат.

Дардимни ҳеч кимга айта олмайман  
Энди мен ортимга қайта олмайман.

*1998 йил, сентябр*



\* \* \*

Рұхим чизиқларига  
Умиднинг тирноқлари  
Ботар  
Чизиқлар йифлаётган бўлса  
Кўз ёшига сирпаниб кетмаган  
Илинч.

\* \* \*

Севинч  
ўзингни қарға  
Қачонгача шундай яшаш  
Мумкин деб қарға  
ўлаётганда роҳатланиш учун.

\* \* \*

Севгилим —  
Кел осмонимизни  
Күшларга берайлик  
Мусичанинг дардини  
Олиш учун.



\* \* \*

Жимликка урилган диёнат  
даҳшатлар титрайди,  
Хеч кимга гал бермас  
Хиёнат.  
севгини сандықça  
сифдирган Тохир  
күзларим мүлтирап күзмунчоқ  
сүзлаган эртагинг бунчалар тахир  
севги ҳам, ҳаёт ҳам  
ўйинчоқ  
хиёнат тўхташга уринмас  
диёнат ҳижобда  
кўринмас.

*1997 йил, марта*



\* \* \*

Кенг шаҳар —  
яшашга жой йўқ  
кенг сахро  
ўлишга гўр йўқ  
бу қандай мамлакат  
пойгак йўқ, тўр йўқ  
Бўсағангдан қисма Оллоҳим

Тўда оломон —  
Онг йўқ,  
Бостириб келмоқда ёғу  
Жанг йўқ,  
Дўст ёрингдан  
Қисма оллоҳим.

Ўзим ўзимни  
Алдаб яшадим шунча йил  
Шунча йил ишондим  
Алданганимга  
Худо пошшо  
Пошшо Худо  
Қиёмат қудуфига  
Қандай тушиб кетганини  
Билмас экан  
Бандаси.



\* \* \*

Мен очман —  
севгига очман  
изгийман итдай  
Хеч ким йүк  
Хеч ким йүк  
Хеч ким йүк  
Корним эса түк.

*1996 йил, август*



\* \* \*

Нилуфар чөхра  
Намланган киприклар  
Хонтахтада сочилиб ётган шеър  
Совчи юборганимни  
Эшитмаган ҳали.

\* \* \*

тўй келиди  
севинчдан —  
тўкилиб кетди  
Қизгалдоқ.

*1996 йил, ноябр*



\* \* \*

Чўкиб бормоқдадир қундан кун умрим  
Йиртиқ товонимдан қонлар оқади.  
Қофозга тўкилар дардларим, дурим  
Дардларим, дурларим мени боқади.

Деразамни совуқ шамоллар тирнар  
Пойимда хазонлар тўп-тўп оқади  
Очликдан кўчада ўлиб қолмасман  
Хазонлар-хазонлар мени боқади.

Ўлдирса ҳам мени севги ўлдирар.  
Ҳеч ким тушинмайди бундай табримни  
Майсали тупроқни қучиб йиглайсан  
Муҳаббат безайди менинг қабримни.

*1998 йил, август*



## **Юлдуз Усмонова**

Бу қандайин гуноҳ бўлди  
Еру осмон чил-чил синди  
Бу қандайин поноҳ бўлди  
Ўзи қийнаб ўзи қўнди.

Бу қандайин замон бўлди  
Паймонаси тўлиб чиқди  
Бу қандайин армон бўлди  
Бойчечаклар кулиб чиқди.

\* \* \*

Илдизлар — илдиздур ҳар доим  
Кундузлар — кундуздур ҳар доим  
Не-не зотлар чиранмасин бекорга  
Юлдузлар — юлдуздур ҳар доим.



\* \* \*

Йиғламоқ оғирлик қилған қунлари  
Мен қаттиқ қуламан хохолаб  
Кейин чүчиб тушаман  
Отиб қўймасайдим  
ўзимни-ўзим  
Маяковский сингари.

\* \* \*

Тунда менинг сўзларим ёлғон  
Кунда менинг сўзларим ёлғон  
Ёлғон дунё аврайди мени  
Унда сенинг сўзларинг ёлғон

Рост сўзларинг қузнинг юраги  
Ёлғонларинг баҳорга кийим  
Бу дунёнинг шудир тиргаги  
Ёлғон менинг яшаган уйим

*1993 йил, октябр*



\* \* \*

Тилдан қолган шунинг учун дараҳт,  
Шунинг учун чайқалар гуллар,  
ўтгингчидир азобу роҳат  
Шунинг учун ҳукимдор пуллар.

Даҳшатлардан синган деразам,  
Туннинг оғзи йиртилган қаранг  
Қиличимни қиндан оламан  
Мен ўзимни тутаман аранг.

*1995 йил, сентябр*



## ***Охунов домла***

*(ярим ҳазил, ярим чин)*

Маюсгина жилмаярди у  
Маюсгина ёзади қалам  
Ахир дунё ўткинчи эрур  
Хаммасини қўрдик-ку, болам

Йифлаганлар у дунёда шоҳ  
Манманларни қўрасиз гадо  
Агар тангрим айласа паноҳ  
У ёқда ҳам бизлар домла

*2000 йил, октябр*



## Қария

Күркмайди —  
Бомба ўқлардан,  
Күрқади усти бут  
Қорни —  
Тўқлардан.

\* \* \*

Сўзлар сачради  
Севгимизга  
Шуҳратлар сачради  
Севгилим  
Энди мен кетаман  
узоқларга.  
Энди мен етаман  
тузоқларга.

*1979 йил, август*



### *Сандал*

Кўз ёшларингни артгиси келар,  
Сочларингни силагиси...  
Афсуски қўллари йўқ.

### *Tўй*

Осмон —  
Сени жуда севарди  
Қовоқлари уюлган бугин  
Узоқ давом этади қишиш.

### *Ўлим*

Бир марта  
Бериладиган  
Мукофот.



## *Сөвги*

Ҳеч нарса дея олмадинг сен  
Ҳеч нарса дея олмадим мен  
Худога шукур дедим мен  
Худога шукур дединг сен

## *Нұтқ*

Минбардан —  
Күзларинг топаолмади күз  
Уә тортдинг  
Қарсак каби жаранглар  
Кулгу —

*1975 йил, шон*



\* \* \*

Тубсизлик тубидан қўзимни чўзиб  
Мени етаклайди фирмўк сағрини.  
Илоҳий бир қудрат олади узиб  
Жасадим йиртади туннинг бағрини.

Тоқатим титрайди мозийга қараб  
Шунчалар тугаган, шунчалар адо  
Кўзгудан ўзимни излайман ё раб  
Бу қандай девона, бу қандай гадо.

Бу митти жонимни қачон узарлар  
Умидим чекланган оёғим кишан.  
Жасадимни сихга тузарлар  
Азоб пешонамга тақалган нишон.

*1982 йил, сентябр*



\* \* \*

Шукирки бу күнглим топ-тоза эди  
Хеч нарсаныраво күрмади ҳаёт  
Нигоҳим уфқда шаҳзода эди  
Яна кўзларингни соғиндим фақат

Тунлар ўтаверди кунлар кетидан  
Суянчим, юпанчим эди менинг сўз  
Кунлар ўтаверди кунлар кетидан  
Мени кўриб ҳар йил эзиларди куз.

Юпингина танамни силарди шамол  
Оёғимга раҳми келади қорлар  
Умидим иситиб яшарди хаёл  
Фақатгина писанд қилмасди борлар.

*1993 йил, декабр*



\* \* \*

Хазонларга қадалган дилим  
Севинчимни кўрмади раво  
Атрофимда парвона ўлим  
Тунни ортиб борар арава.

Фадур-будир йўлларнинг ранги  
Филдираклар тагида бошим  
Мен адашган девона банги  
Чўкиб борар метин бардошим

Овитаман ўзимни ўзим  
Келажагим буюк ва порлоқ  
Уюб олар уятдан кўзим  
Садоқатнинг олдида ялоқ.

*1997 йил, октябр*



\* \* \*

Наҳот тақдир шунчалар чигал  
Ёки менинг етмайди фаҳмим  
Кўлларимдан ҳеч нарса келмас  
Хазонларга келади раҳмим

Ҳасратимдан тоғ ҳам букилар  
Йўқотганим ўзинг паноҳим  
Қоғозларга шеър бўлиб тўкилар  
Сенга етиб бормаган оҳим.

\* \* \*

Сени қаттиқ соғиндим яна,  
Суратингни излайман гулим  
Бу дунёда йўқотганим не,  
Бу дунёда топганим ўлим.

*1995 йил, август*



\* \* \*

Эътиқодга қўнган севгисан  
Туйгуларим чилпарчин синди  
Гоҳо олам ширин қайғусан  
Кўзларимга нимадир тўлди

Эътиқодга қўнган севгисан  
Куйган юрак неларга зордир  
Сен Ватансан жонажон Ватан  
Юрагимнинг яраси бордир.

*1977 йил, апрел*



\* \* \*

Умримни тирнаб яшади совуқ  
Армонимни чайнаб ташлади хаёл  
Демак мен бахтсизман, демак мен бахтиёр  
Йўлимни кесиб ўтди бир аёл

Кунларим чақмоқдай ёришиб кетди,  
Титроқ дилларимга қадалди увол.  
Гуноҳим, савобим қоришиб кетди.  
Йўлимни кесиб ўтди бир аёл.

Севгимга бинафша ранглар сачради  
Баҳорга лабларин бўяди висол  
Бир нима, бир нима мени асрари  
Йўлимни кесиб ўтди бир аёл.

*1984 йил, октябр*



\* \* \*

Сен осмонни жуда севасан  
Кўз-кўзлаб яшайсан кундузларингни  
Менинг юрагимни баттар ўясан  
Арзонга сотасан юлдузларингни

Сен осмонни жуда суюсан,  
Ерга ботиб кетган менинг оёғим.  
Мансабга, шуҳратга қачон тўясан,  
Уялиб ётибди чўпон таёфинг.

*1981 йил, ноябр*



\* \* \*

Сени севмасликни иложи борми,  
Сени севиш жуда ҳам оғир.  
Пешонамни уриб олдим мен,  
Шүр пешонам бунчалар яғир.

Күзларингни тунларга бергин,  
Аlam қилиб юлдузлар ёнсин.  
Эртага мен, ўлмоғим учун,  
Бу дунёдан юрагим қонсин.

Сени севмасликни иложи борми,  
Сени севиш жуда ҳам оғир.

*1991 йил, январ*



## Илтижо

Севгилим алдади чидадим,  
Омадлар тиладим гулимга.  
Дўстларим алдади чидадим,  
Мен рози бўлмадим ўлимга.

Тангрим сени муруватинг кенг,  
Шу юпун халқимни дилинга солгин.  
Тангрим сени муруватинг кенг,  
Бўлмаса менинг ҳам жонимни олгин.

*1983 йил, феврал*



\* \* \*

Торгина қулбада яшайди шоир,  
Бевафо аёлнинг суратин қучиб.  
Торгина қулбада яшайди шоир,  
Сотилган дўстлари ҳақига ичиб.

Торгина кулбани кундуз қизғанар,  
Анқийди ачитқи шаробнинг ҳиди.  
Торгина кулбани юлдуз қизғанар,  
Бу ерга тушмаган баҳорнинг диди.

*1979 йил, декабр*



\* \* \*

Мени осмон каби сүйдирган эдинг,  
Хаттохи жонимдан түйдирган эдинг,  
Дилбарим куйдирган, куйдирган эдинг,  
Энди сенсиз ўтмас тушларим менинг.

Кувончим баҳорга боғланиб кетди,  
Умидим юлдузга чоғланиб кетди,  
Армоним куз билан доғланиб кетди,  
Энди хазонларда ишим бор менинг.

Энди қирчиллама қишим бор менинг...

*1994 йил, март*



\* \* \*

Бу чексиз оламнинг тармоги қани?  
Бу улкан дарёнинг ирмоги қани?  
Менман деган кимсанинг бормоги қани?  
Мен сенга тикилиб вайронман дунё.

Дард мени йиқитди, дармоним йўқдир.  
Сиз меники деган фармоним йўқдир.  
Жондан ортиқ севдим армоним йўқдир,  
Мен сенга тикилиб вайронман дунё.

*1978 йил, апрел*



## САВДОГАР

Новакузнецкий деган шаҳарда —  
Трамвайда —  
Уч-тўртта ўзбек  
ўзбекча гаплашар эди.  
Юринг қўшилайлик  
улар сафига.  
Юкимиз оғир деманг,  
бу юклар топилади.  
Ватан юкидан оғирроқ,  
Она тили юкидан оғирроқ,  
Ҳеч нарса йўқ дунёда.  
Юринг қўшилайлик  
улар сафига.

*1989 йил, октябр*



\* \* \*

Сенсиз яшаш зил каби оғир,  
Бу аччиқ ҳаётдан кетаман түйиб.  
Кўксимга нимадир тиф каби ботур,  
Бир кун кўзларингни оламан ўйиб.

Хаёлан мен уни силаб сийпайман,  
Кўзимдан ёшларим оқади сирқиб.  
Йўқ-йўқ бундай яшай олмайман,  
Бир кун соchlарингни оламан қирқиб.

Лабларинг, киприк, тирнофингача  
Ҳаммасин жойлайман ижара хонамга  
Севги музейи очилади деб,  
Кейин жар соламан бутин оламга.

Фақат бир нарсага қилолмам, тоқат  
Фақат шу нарсага юрак ғаштайман.  
Ҳиссиз юрагингни суғириб олиб,  
Итимнинг олдига таштайман.

1974 йил, апрел



\* \* \*

Сүзлар —  
Фарзандларимиз  
Уларни ташламайлик  
жанг майдонларига,  
илимсиз,  
Куролсиз,  
ўз фарзандини  
дафин этиш  
нақадар оғир.

*1999 йил, август*



\* \* \*

Севгилим —  
Куйиб-куйиб йифлагин,  
Тўйиб-тўйиб йифлагин,  
кўзларинг артмагин  
фақат номига.  
Менинг ўлгим келсин  
ростакамига.

\* \* \*

Унинг чўнтаклари тўла юпинлик  
дўстларига совға қилмоқчи бўлади,  
лекин ҳамма  
бу совгадан қочади  
унинг чўнтаклари тўла совға...

*1976 йил, апрел*



\* \* \*

Бир куни у кулди  
Кулгу унинг юзида  
адашиб қолди,  
кейин, нишон қилиб  
оппоқ тонгга қараб  
ўрмалай бошлади  
кулгу.

\* \* \*

Ёнимда осилган пичоқ,  
Биқинимга тиralар қаттиқ.  
Жасадим қалтиrap,  
Руҳим менсимас.  
Пучоқ!  
пучоқ!  
пучоқ!

*1991 йил, сентябр*



\* \* \*

Наҳот шуларни деб  
сочинг оқарди.  
Мангулик қаридан  
бир жуфт қўз  
маюс боқарди.

*1993 йил, апрел*



\* \* \*

Қишлоқда бир қыз яшайды, тунни супириб,  
Узун соchlарини шабода тарап.  
Мен эса шаҳарда қонлар туфириб,  
Унинг оғушига интиlamан зор.

Қишлоқда бир қыз яшайды, тонгни эркалаb,  
Юрак, чимилдиқни йиртар муҳаббат.  
Мен эса шаҳарда ғамни елкалаb,  
“Метин тоқатимга қилмайман тоқат”<sup>1</sup>.

*1987 йил, сентябр*

---

<sup>1</sup> Райф Парфи сатри.



\* \* \*

Тушимда юлдузлар чақирди,  
Энди мен узоққа кетаман гулим.  
Пойимда муҳаббат бақирди,  
Ҳар кун түшагимни супирап ўлим.

Ўлмаган ўлмаслар жиркандим сиздан  
Воҳ, қаттиқ йиқилдим лат еди дилим.  
Мен узр сўрайман саргайган қуздан,  
Ҳар кун түшагимни супирап ўлим.

Энди мен қайтмайман, ортга қайтмайман,  
Бир кун эслар ё эсламас элим.  
Кўйларга дардимни айтмайман,  
Ҳар кун түшагимни супирап ўлим.

*1997 иил, декабр*



\* \* \*

Ситилди ситамнинг сароб рузлари,  
Дунёвий дардлардан чўнтағим қуруқ.  
Кўнгилнинг адашган хазон резлари,  
Иймондан ийманиб берар йўл йўриқ.

Кенглиқда увиллар умидли қипчоқ,  
Чорлайди сахронинг саховат уйи.  
Осмонга таҳдидин қўймайди ўчоқ,  
Азага айланар дунёнинг тўйи.

Хазонлар санчилар ярадор дилга,  
Яшнаган дилларнинг умидида туш.  
Оғочлар айланар қаҳратон кулга  
Изимдан қиличин қайраб тураг қиши.

*1985 йил, сентябр*



\* \* \*

Силкиндим этагимни хиёнат тортди,  
Фикринг етмади сенинг түфиққа.  
Қимтиниб-қимтиниб севгилим сотди,  
Азобим уланиб кетди уфққа.

Титкилай-титкилай армонларимни,  
Хижрон чўққилари тавоним қучди.  
Аянчга илинган дармонларимни.  
Ўкириб-ўкириб аждаҳо ичди.

Кузакнинг сасида тиз чўқдим бир зум,  
Момогулдуроқлар тунни айирди.  
Хўрланган севгини симириди кўзим,  
Диёнат шаштимдан мени қайирди.

*1986 йил, июн*



\* \* \*

Тупканинг тубида сарғайган кўнгил,  
Мижозий ҳакамга санчилган туйфу.  
Дунёвий шарбатдан ситилган эй, дил  
Уятдан ўзини йифмаган қайфу.

Иштони йиртилган чалқанчали сой,  
Тунни фоҳишага боғлаган гуноҳ.  
Ўн беш куни қоронгули ой,  
Қочолмас дарахтлар излайди паноҳ.

Тубсизлик уммонига чўмилган ришта,  
Севгининг нилуфар ҳидларин сезмас.  
Сочлари самони суртган фаришта,  
Кўзгуни олдидан кетгиси келмас.

*1999 йил, август*



\* \* \*

Она менинг дилларим хайрон,  
Сотиб кетди қанча дўстларим.  
Она менинг кунларим вайрон,  
Йиртиқ-ямоқ кийим, устларим.

Она менинг бахтим йўқроқ,  
Барно қизлар менсимай ўтар.  
Она менинг кўнглим тўқроқ,  
Хаёлимда бир гўзал қутар.

Она менинг адаштаним бор,  
Тиконзорда тентиди умрим.  
Она мени алдашганлар зор,  
Қимтинади керилиб қумрим.

Она менинг топганим тоқат,  
Ҳеч кимсадан сўрмадим паноҳ.  
Она шуни англадим фақат,  
Йиқилганни суяйди Оллоҳ.

*1994 йил, август*



\* \* \*

Қора денгиз кетади қалқиб,  
Хаёлотнинг гумонларига.  
Тушларимда кетаман оқиб,  
Фоний дунё уммонларига.

Алвон-алвон тўқаверар тун  
Довулларда чархланган бир ишқ.  
Осмон қалқиб кетади илкис,  
Юлдузлардан тўкилар қўшиқ.

*1985 йил, апрел*



\* \* \*

Ёндирап, чирсиллаб аловнинг тили,  
Сени севмаслик бу қатли гуноҳ.  
Сихга тортиламиз Мажнуннинг эли,  
Кўзларим титкилаб излайди паноҳ.

Нечун индамайсан, нечун жимсан сен,  
Кўзларинг ўтида қовжираб битдим.  
Нечун йўлларимиз айридир бугун,  
Мен сени кўрганда титраб кетдим.

Очгин кўзларингни севгим, севгилим  
Жаллоднинг тифлари синсин, қайрилсин.  
Маъбуда тошидек қотгана ўлим,  
Сирли бисотидан айрилсин.

*1995 йил, октябр*



\* \* \*

Сўзни ўпдим йигладим чўкиб,  
Туннинг даҳшатлари аямай туртди.  
Дарахтлар пойимга хазонлар тўкиб,  
Тонгнинг муруввати фикримни суртди.

Алдамчи дунёнинг алдамларида,  
Севги деб аталган бутга сифиндим.  
Мангулик етмаган қадамларида,  
Мен сизни соғиндим, қаттиқ соғиндим.

*1989 йил, август*



\*\*\*

Илоҳий даргоҳга йўлатмас иймон,  
Титрайман тунимнинг маънисида ўй.  
Кундуз қўшиғига чўмилар замон,  
Қасрларин ҳазм қилолмайди тўй.

Инграйди умиднинг ялови яра  
Ватан армонимга бўлолмас паноҳ  
Онасин қалқон қилибди қара  
Ўзининг кунини ўйлаган тамоқ

Чинқириб чираниб онгимни йиртар,  
Омонат бу дунё армон тўрида.  
Бундай қабиҳликни қўргандан кейин,  
Оналар ухласин қандай гўрида.

*2000 йил, октябр*



\* \* \*

Мени —

Йўқликлар уммонидан сўра,  
Уфқقا юзларингни босиб хаёл сур.  
Тунда яшириб-яшириб йигла,  
Кўз ёшингга чўмилсин ой

\* \* \*

Тун тинимсиз силкитар мени,  
Фингшийди қаҳрига туролган зорлар.  
Кўрқинчли тушлар уйғотар сени,  
Ютиниб-ютиниб ухлашар борлар.

Шамол шивирлайди шерикларига,  
Ялонгоч дарахтга аёзни сепар.  
Баҳор шошилмайди кўрикларига,  
Чўққилар ийманиб қорларни ўпар.

*2000 йил, сентябр*



\* \* \*

Эсингдами азизам —  
Туннинг кўрпасига кирганида ой,  
Юлдузлар тўлишиб қурганда базм.  
Бемалол ечинганда сой,  
Хазонлар сесканиб кетгани.

Эсингдами азизам —  
Тоғлар бир-бирини кўролмаганда,  
Ҳайратлар солланиб қурганда базм.  
Дарахтлар гувоҳлик беролмаганда,  
Шивирлаб дегандинг гуноҳи-азим.

*1996 йил, феврал*



\* \* \*

Күнглимга кўмилган армонни,  
Кузакни зардоби симирап.  
Фикрим чиқарган фармонни,  
Хирсият менсимай кемира.

Тунларим сотилар сақичга,  
Ойнинг хавотири осмонни ситар.  
Бўйсунмай яшадим хоҳишга,  
Эркимни эринмай юлдузлар кутар.

Бу дунё аслида телбали,  
Майсалар шивирлар қулоқларимга.  
Машқини тугатган «Бурис Ли»  
Чумоли чўмилар булоқларимга.

*1994 йил, март*



\* \* \*

Хаёни юзимга сачратди баҳор,  
Томиримни йиртди вахшиёна қон.  
Кузакнинг армонидан куйлагим оҳор,  
Бўғзимда мулдирараб жовдираиди жон.

Мен кимни излайин, кимни соғинай,  
Кимга ёлворайин дардимни айтиб.  
Оллоҳим мен сенга қандай сиғинай,  
Гуноҳим шунча қўп, бўлмайди қайтиб.

Товоним юракка санчилиб қолган,  
Юрагим айланган бугун товонга.  
Фикрим, кўзларим яшашдан толган,  
Жовдирааб қарайман қибла томонга.

*1987 йил, декабр*



## ***Туркистон***

Куриб бормоқдадир уятдан Аму,  
Чўкиб бормоқдадир уятдан Орол  
Отангни ўлдирганга онангни бер деб,  
Биз эса бемалол тўқиймиз мақол,  
Тўкила-тўкила самонинг қолди,  
Темурдан хотира замонинг қолди.

*1977 йил, май*



\* \* \*

Салтанат сүянчиқ —  
Дор мангулик —  
ўзингни топширма борлиқقا  
Ҳайф бер шайтонга  
Диёнат ёрлаقا.

Кумрининг қилиғи  
Омонлик,  
Изингдан қарғайди ёмонлик.  
Сўзларни отаман саҳрона,  
Кўлларим қовушмас.  
Қаҳрабо.

Чумоли чиранар —  
Сесканар саҳролар  
Ҳайбатлар тўкилар савлатга  
Ичингда бўлмаса Худо гар  
Пайғамбар чорламас даъватга.

Худога шукур...

*1979 йил, сентябр*



\* \* \*

Қаҳратон қилиғи қирқни ёради,  
Аёзли кунларга ўзимни осдим.  
Шайтонлар севги деб мени талади,  
Хай бердим ҳамият ўзимни босдим.

Дунёнинг хиёнат сирлари ичра,  
Қоврулган гужданак илоний кулча.  
Диёнат мангулик мени кечирап-а,  
Таҳорат кутмоқда умидли кеча.

\* \* \*

Мўминлар, қиёмат яқинга ўхшайди  
Хиёнат кўнмагай менинг розимга.  
Оллоҳга ёлвориб кўнглим бўшайди,  
Юлдузлар тўкилар жойнамозимга.

*1988 йил, август*



\* \* \*

Мени севолмаган ҳеч ким сизчалик,  
Рашкнинг тамғасини юзимга босиб,  
Кейин оёғимни ўпмаган ҳеч ким.

Мени севолмаган ҳеч ким сизчалик,  
Сохта гўзалликга танасин сотиб,  
Кейин жовдираб боқмаган ҳеч ким.

Мени севолмаган ҳеч ким сизчалик,  
Сизчалик хиёнат қилмаган ҳеч ким.

\* \* \*

Дунёнинг сен билмаган қалам қошлари бордур.  
Дўстларнинг дўст учун ошлари бордур.  
Кўй кўп нафсингни очма эй,Faффор.  
Муруватдан кейин тана тошлари бордир.

*1975 йил, декабр*



\* \* \*

Душманим сўзлаган сўзга кўниқдим,  
Эзилган хўрланган кўзга кўниқдим,  
Ўтмишин мақтанган, қулга кўниқдим,  
Кунлар менга оғирлик қилас.

Султонимни отди кўрмаган бўлдим,  
Иймонимни сотиб билмаган бўлдим,  
Аслида ўлганман, ўлмаган бўлдим,  
Кунлар менга оғирлик қилас.

Йўлимда фохиша қизлар суйкалар  
Мени кўрса ой ҳам бурканар,  
Бу кунимдан ит ҳам жирканар  
Тунлар менга оғирлик қилас.

*1978 йил, октябр*



\* \* \*

Эс қотган номошом самонинг сири,  
Гулларнинг белига қўллари етмас.  
Саҳрого суртилган мангулик гўри,  
Занглаған фикрлар чарҳланмас ўтмас.

Чинқириқ чимилдиқ пардасин тортар,  
Вижданни ғижимлар илоҳий бир нур.  
Яшашга кўксимда иштиёқ ортар,  
Чўққилар бошини силайди гуур.

Тафаккур тупроқни ўпади.  
Шашқатор касартки аросат  
Оёқларим онамни тепади,  
Кўлимда тўппонча, фаросат.

*1988 йил, апрел*



## *Tÿý*

1

Ҳижроннинг чўмичи —  
Остонага ёзилган тарих  
Йиглаётган отанинг ўчи  
Юлдузларни ютган муаррих

Қисматига силкинган осмон  
Йиртилган япроқнинг азоби  
Энди узоқ яшashi гумон  
Пули йўқ шоирнинг газаби

2

Одамлар булбулга айланар  
Кўшнилар қовоғи саҳродур  
Хоҳласа хонлар сайланар  
Фуқаролар буюк даҳодур.

Кувончларин силкитиб отар  
Сочларини силар зиёда  
Эшаклари эгасиз ётар  
Қароқчилар йўқдай дунёда.

*1982 йил, сентябр*



\* \* \*

Аянчли армоним мулдирап сагир  
Заҳарли найзасин санчаверар кун  
Огриқ елкаларим силайди ёмғир  
Оғир кунларимни тафтайверар тун

Севгининг севимли сиртмоқларида  
ўзимни ахтардим хаёлий бир дард  
Дунёнинг омонат қирғоқларида  
Мен сени изладим, йўқотмоғим шарт

Сингиб синголмадим ўзимга-ўзим  
Даҳшат ёстиғига ҳорғин қўниқдим  
Тумонат тунига қоврилган қўзим,  
Мен сенга сигиндим, сенга илиндим.

*1999 йил, декабр*



\* \* \*

*Хотира-дараҳтзор, ўрмоним менинг  
Қайсин Қулиев*

Хотира-  
ўрмоннинг шовиллаган иси,  
Юрак ҳаёжонни симирад.  
Уфқقا суртилган хиёнат туси,  
Иймонни тинимсиз кемира.

Фикирларингни ўрайсан,  
Қатлам-қатлам сўз.  
Йиртилган тугёнга қарайсан,  
Вужудингни ўйиб олар куз.

Тифлайсан –  
Севгининг сирлари силайди,  
Яшириб-яшириб йиглайсан.

*1998 йил, октябр*



\*\*\*

Үргамчак уятин түқийди  
Күйлаги йиртилган йифлоқи аёл  
Мұхаббат ҳақида ўқийди

Сабзига қўшиб тўғрайман  
Сийнаси ситилган хаёлни  
Ҳали ҳам тўхтатиб бўлмас  
Садоқатдан сўзлаётган аёлни.

*1988 йил, феврал*



## *Хижобда*

Гүзәллик қимтинар,  
Иболар чирмашар қасрга.  
Садоқат сесканар,  
Йигитлар олинар  
Асрға.

\* \* \*

Арчилган армоннинг  
Юмалоқ юқи,  
Аврашга уриниб яшайди фақат,  
Фикримга қадалар мангулик ўқи.  
Иймон бер,  
Сабр бер,  
Тоқат бер,  
Тоқат.

*1995 йил, январ*



\* \* \*

Мунгликни тебратар илохий бир куч  
Бўшлиқقا санчилар зардобли найза  
Кузнинг қасосида чайқалади ўч  
Хавотир шифтидан тўкилар лаҳза

Сокинлик солланиб савлат тўкади  
Йўқсизлик бурчакда ўтирас ийиб  
Шуҳратлар шон деб қомад букади  
Уятлар вужудим олади ўйиб

Чинқириқ чийиллар тугунсиз  
Туннинг азобига осилган хазон  
Руҳимни силкитар ўлим тинимсиз  
Хаёлни гуноҳдан қайтарар аzon.

*1996 йил, май*



\* \* \*

### *Дўстим Паён Мейлига*

Изимга қарайман изларим йўқдир,  
Чирсиллаб узилар вужудда бир дард.  
Наҳотки ўзим бор сўзларим йўқдир,  
Дўстим сенинг мағрурлигинг шарт.

Юлдузлар узоқда фикирларимдан,  
Туннинг зардobi кўзларим йиртар.  
Қаргалар бехабар зикирларимдан,  
Иккимиз талашган ул гўзал кутар.

Дарахтга суяндим соғинсам сени,  
Йўргакланган кузни совуқقا белаб.  
Изтироб қўзимга қадалган куни,  
Жиққамушт кунларни эсладим улаб.

Дўстим сенинг мағрурлигинг шарт.

*1998 йил, апрел*



## Үлім

Бир кун мен етаман ниятларимга,  
Лаззат шаробидан қониқар дилим.  
Күлларингни тираб иякларингга,  
Күз ёши тўқмасдан кузатгин гулим.

Ютиниб қон-қахшаб кутдим бу кунни,  
Яшаш қийин экан бегоналар билан.  
Чечаклар тергали келгил қабримга,  
Дўсту ёру, дугоналар билан.

*1981 йил, декабр*



\* \* \*

Бўғзимга тиқилиб келмоқдадир жон,  
Мен учун яшамоқ қундан-кун оғир.  
Сенга нима бўлди она Туркистон,  
Сенга нима бўлди Моварауннаҳр.

Темирни йўқотдинг Мангуберди кетди,  
Сотганларинг битта бўлмади сенинг.  
Фитратни йўқотдинг Чўлпонинг кетди,  
Отганларинг битта бўлмади сенинг.

Фикримни қўзимга тўкиб қарайман,  
Кўксимда чирқиллар, ўтмас ҳаяжон.  
Ёлғиз мен қунингга қандай ярайман,  
Сенга нима бўлди она Туркистон.

*1979 йил, август*



\* \* \*

1

Хеч қачон —  
Овозингни чиқарыб  
айтма бу сүзни.  
шивирлаш ҳам гунох,  
пичирладингми, гуноҳга ботдинг.  
ютин —  
томир-томирларингча сингиб кетсин,  
Ҳатто кир оёқлари билан.  
Бу сўз.

2

Кекирганингда баҳтдан  
Калишлари  
Оғзингдан отилиб  
Чиқиб кетади.

*1980 йил, апрел*



\* \* \*

Хавотир —  
Умирни кемирап ит каби,  
Занглаган қилич эсиз.  
Қаламни ялайды ташналик лаби,  
ўзимни-ўзим излайман изсиз.

Ярамга туз сепаман,  
Бухоро каби шўрхок тана.  
Ҳар куни мен сени тепаман,  
Кечиргил-кечиргил муқаддас она.

Тарих ўргамчак —  
Муаллақ пардалар тўқийди  
Севги қип яланғоч аёл  
Ўтган кетганни чўқийди.



## **Қарғиш**

Дунё тургунча туриңг...



## МУНДАРИЖА

Қызимга мактуб.....	3
Ваҳданиёт дарёси.....	4
Шеър ўқиб берардим.....	5
Кўпкари.....	6
Уфқинг нарёғида.....	7
Хеч нима демадим.....	8
Жарлик.....	9
Азоб ўпқонида.....	9
Ватан тушунчаси.....	10
Муҳаббат.....	11
Мен кулиб юбормай Тангри.....	12
Турк таянчи.....	13
Лайлак.....	14
Армонларим.....	15
О, менинг қисматим.....	16
Кўзларимда осмон бор.....	17
Оппоқ қор устига.....	18
Кўлим сизга етмайди.....	19
8-март.....	20
Кўзларингда.....	21
Бўрилар.....	21
Зил-зила.....	22
Ўзимдан ўзимни.....	22
Саловат.....	23
Сен буюк шоирсан.....	23
Сотқин.....	24
Устоз.....	25
Неъмат бобо.....	25
Тун.....	26
Бир куни кетаман.....	26
Қачон хужум қилишни билади.....	27
Нилуфар шаклида.....	28
Ишқинг кўзасини синдирган аёл.....	28
Хўжаев муаллим.....	29
Тафаккур дарвозаси.....	30
Дўйпимни отаман.....	31
Соғинчим.....	31
Бугун.....	32
Харсанг.....	33
Оппоқ булутлар.....	34
Яна боролмадим.....	35
Мадад бер менга.....	36
Чўнтағимга сигмайди.....	37
Қандай даҳшат.....	38
Хўрланган кунларим.....	38



Фафлат чўнтағидан.....	39
Эҳ, мискин умрим.....	40
Баҳор баҳор эмас.....	40
Совуқлар овунчим.....	41
Шайбонийхон.....	42
Чўлпон.....	43
Рафиқамга.....	44
Пахтада.....	45
Дўстим қабри устида.....	46
Фикримга санчилар.....	47
Деразам олдида.....	48
Қишлоқни тирнар.....	49
Бир тўғрам нон учун.....	50
Менинг жоназамда.....	51
Кўзларинг сўзлайди.....	52
Автобиография.....	53
Рухим чизиқларига.....	54
Ўзингни қарга.....	54
Күшларга берайлик.....	54
Жимликка ўралган.....	55
Бандаси.....	56
Мен очман.....	57
Нилуфар чехра.....	58
Тўй келибди.....	58
Чўкиб бормоқдадир.....	59
Юлдуз Усмонова.....	60
Илизлар-илдизлур.....	60
Маяковский сингари.....	61
Ёлғон менинг яшаган уйим.....	61
Ўзимни тутаман аранг.....	62
Охунов домла.....	63
Қария.....	64
Сўзлар сачради.....	64
Сандал.....	65
Тўй.....	65
Ўлим.....	65
Севги.....	66
Нутқ.....	66
Нишон.....	67
Борлар.....	68
Тунни ортиб борар арава.....	69
Шеър бўлиб тўқилар.....	70
Бу дунёда.....	70
Юрагимнинг яраси бордир.....	71
Йўлимни кесиб ўтди бир аёл.....	72
Сен осмонни жуда севасан.....	73
Сени севмасликнинг иложи борми?.....	74
Илтижо.....	75



Торгина күлбада.....	76
Сүйдирган эдинг.....	77
Мен сенга тикилиб.....	78
Савдогар.....	79
Зил каби оғир.....	80
Сұзлар.....	81
Менинг ўлигим келсин.....	82
Бир куни.....	83
Пучоқ.....	83
Бир жуфт күз.....	84
Қишлоқда бир қызы яшайды.....	85
Хар куни түшагимни.....	86
Киши.....	87
Азобим.....	88
Түпканинг тубида.....	89
Йикілғанни сұяди Оллох.....	90
Юлдузлардан тұқылар қүшиқ.....	91
Сени севмаслик.....	92
Сүзни ўпдим.....	93
Илохий даргоҳта.....	94
Күз ёшингда оқиб кетсін ой.....	95
Тун тинимсиз.....	95
Эсингдами.....	96
Құңглімга күмілған армонни.....	97
Хәёни юзимга сачратди.....	98
Туркистан.....	99
Күмрінинг қилиғи.....	100
Таҳорат күтмоқда.....	101
Юлдузлар тұқылар жойнамозимга.....	101
Мени севолмаган ҳеч ким сизчалик.....	102
Сен билмаган.....	102
Тұнлар менға оғирлик қылар.....	103
Эс қоттан номошом.....	104
Түй.....	105
Аяңчли армоним.....	106
Хотира.....	107
Садоқатдан сұзлаёттан аёл.....	108
Хижобда.....	109
Тоқат.....	109
Мунгликни тебратар илохий бир күч.....	110
Изимга қарайман.....	111
Үлим.....	112
Фитрат.....	113
Хеч қағон.....	114
Хавотир.....	115
Қарғыш.....	116

Муҳаммад ФАФФОР

## СУКУНАТ СОҲИЛИ

*Шебрлар*

Суратлар муаллифи *Шавкат Қазхор*

Муҳаррир *Берди Раҳмат*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Ҳудойбердиев*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *С. Қўшимоқов*

Саҳифаловчи *Б. Ирисбоев*

Босишга руҳсат этилди 07.11.2005. Бичими 84x1081/32.

Хажми 2,1 б.т. Нусхаси 1000. Буюртма №  
Шартнома №97/3. Нархи келишилган асосда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти

«AVTO-NASHR» шўъба корхонаси босмахонаси  
Тошкент шаҳри 8-март кўчаси 57-уй